

поскольку именно он выступает материальным базисом реализации технологии и осуществления производственного процесса.

В целом можно сказать о том, что развитие цифровых технологий будет способствовать утверждению «зеленой экономики» в мировых процессах и благополучно скажется на охране окружающей среды. Однако необходимо понимать, что для развития цифровых технологий помимо активного желания со стороны власти, представителей бизнеса и общества в целом необходимы профессиональные кадры, которые смогут обеспечить данное развитие. Экономика должна обладать человеческим потенциалом для реализации разнообразных идей, причем данные люди должны не только обладать определенными качествами, но и лично быть заинтересованными в развитии «зеленой экономики».

РАҚОБАТ ШАРОИТИДА ТОҒ- КОН САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ (ОКМК мисолида)

*С.Назарова, таянч докторант
Ўзбекистон Миллий Университети*

Ўзбекистон Ўрта Осиёда ер ости ва ер усти бойликларига бой бўлган давлатлардан биридир. Республикамизда 100 дан ортиқ маъдан турлари бўлган 2700 да ортиқ конлар аниқланганлиги бунинг далилидир. Маълумки, Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибида кон –металлургия саноати муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўзбекистон фойдали қазилма турлари – мис, калий тузи, фосфорит, коалин ресурслари бўйича жаҳоннинг етакчи мамлакатлари ўнлигига киради, олтин ва уран ишлаб чиқариш бўйича дунё етакчиларидан бири. Дарҳақиқат, олтин, мис, волфрам, висмут ҳамда бошқа минераллар заҳиралари ва уларни кўпайтириш истикболлари бўйича Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан жой олган.

Ушбу соҳани таркибий ўзгартириш ва модернизация қилишга қаратилган инвестицион сиёсат мамлакатимизда тоғ-кон саноатини янада ривожлантириш учун етарли даражада минерал хом ашё базаси мавжудлиги ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга дунё бозорларида талаб ортиб бораётганлиги билан асосланади. “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти (ОКМК АЖ) мамлакатимизда ушбу йўналишдаги энг йирик ва истикболли корхоналардан бири бўлиб ҳисобланади. Комбинат конларни очик ва ерости усулида қазил, бойитиш ва олтинни саралаб олиш фабрикалари, металлургия заводлари, йирик энергетика ва транспорт тизимлари, ривожланган инфратузилма ҳамда ижтимоий объектларни ўзида бирлаштирган акциядорлик жамияти ҳисобланади.

Олмалиқ худудида қадимдан кончилик билан шуғилланганлиги тарихий манбааларда акс этган. Эрамининг IX-XII асрларига таалуқли бўлган кўплаб топилмалар ва руда қазувчилар фаолиятининг қолдирган излари қадимда


Олмаликда мис, қўрошин, рух, олтин, кумуш, темир, аметист, феруза ва бошқа қазилмалар жадал равишда қазиб олинганлигини кўрсатади. ОКМК томонидан фойдаланилаётган деярлик барча руда конлари ўша қадимги конлар излари бўйича очилган бўлиб, мамлакат рангли металлургия саноатининг йирик минерал хом ашё базаси ҳисобланади. Комбинат икки мажмуадан — қўрғошин-рух (Қўрғошинкон, Олтинтопган, Сардоба ва Чалата конлари, қўрғошин-рух бойитиш фабрикаси ва рух заводи) ҳамда мис ишлаб чиқариш мажмуасидан (Қалмоққир кони, мис бойитиш фабрикаси, мис заводи)дан иборат.

Жамият устав фондининг қиймати 615 миллион дондан ортиқ акцияларга бўлинган ҳолда 2 407 млрд сўмни ташкил қилади. Унинг 98 фоиздан ортигини давлат улуши ташкил қилади. Қолгани эса жисмоний ва юридик шахслар улушидан иборат.

Комбинатнинг ишлаб чиқариш қувватлари Тошкент, Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларида жойлашган мис-порфир, қўрғошин-рух ва олтин-кумуш конлари гуруҳи захираларига асосланган. "Қалмоққир", Ангрен, Чодак ва Хондиза кон бошқармалари ҳамда "Ковулди" конининг бой захиралари, шунингдек, бешта бойитиш фабрикаси, иккита металлургия заводлари (мис ва рух) ва иккита цемент, таъмирлаш-механик ва қувур заводлари, Автомобил транспорт бошқармалари ва Технологик транспорт бошқармалари, Саноат темирйўл транспорт бошқармаси шунингдек, икки қўшма корхона (юқори кучланишли электр кабелларини ишлаб чиқарувчи "HPC Systems" ва сантехника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи "АВП" масъулияти чекланган жамиятлари)лар шулар жумласидандир.

ОКМКнинг республика иқтисодиётидаги тутган ўрни жуда ҳам аҳамиятли. Комбинатнинг мамлакат саноатидаги улуши 7 фоиз, экспортда эса 15 фоизни ташкил этади. Комбинат 2022 йилни 6,2 трлн сўм соф фойда билан якунлаганлиги корхонанинг молиявий ҳолати барқарорлигидаг далолат беради.

Олмалик тоғ кон-металлургия комбинати Ўзбекистонда мис ишлаб чиқариш бўйича ягона корхона саналади. Унда тозаланган мис, металл рух, молибден, қўрғошинли концентрат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу конларнинг бой захиралари мавжудлиги комбинатнинг иқтисодий салоҳиятини ошириб бориш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кенгайтириш имконини беради. *(Расм 1)*



Расм 1. ОКМКнинг иқтисодий салоҳиятини белгиловчи объектлар

Комбинатда республика бўйича кумушнинг 90 фоизи ва олтиннинг 20 фоизи ишлаб чиқарилади. Комбинат нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида энг йирик мис ишлаб чиқарувчи ва мисдан тайёрланган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга етказиб берувчи ҳисобланади. Ҳозирги вақтда комбинат 18 турдаги экспортбоп, юқори ликвидли маҳсулотларни реализация қилмоқда. Комбинатда қазиб чиқарилаётган рудалар таркибидан 13 та кимёвий элементлар ажратиб олиниб, улардан мис ва мис буюмлари, рух, кадмий, олтин, кумуш, қўрғошин, сульфат кислотаси, мис ва молибден концентратлари, целен, теллур, мис ва рух купороси каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ушбу маҳсулотлар ичида мис асосийсидир ва уни қазиб олиш ва ишлаб чиқариш бўйича Комбинат дунёдаги 30 та энг йирик корхоналар қаторига киради. Айни пайтда комбинатда йилига 148 минг тонна мис ишлаб чиқарилади ҳамда МДХ давлатлари ичида Россия (973 минг тонна) ва Қозоғистондан (500 минг тонна) кейин учинчи ўринда туради. Комбинат мис маҳсулотларини дунёнинг 20 дан ортиқ давлатига (Туркия, Хитой, МДХ давлатлари, Шарқий ва Ғарбий Европа мамлакатлари, Қатар, Австралия, Индонезия ва бошқа) га экспорт қилади. Бундан ташқари катодли мис, сим, мис қувурлар, рух ва мис сульфат, металл рух, аммоний перренат, металл молибден ва волфрам, техник целен, техник теллур, металл кадмий, сульфат кислота, цемент ва бошқа маҳсулотлар ҳам ташқи бозорларга етказиб берилади.

Ҳозирда корхона томонидан 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, уларнинг ярмидан кўпи ташқи бозорларда сотилмоқда.

Комбинатда ишлаб чиқарилаётган олтин ва кумуш Лондон қимматбаҳо металллар биржасининг сифат белгисига, яъни "Яхши етказиб берувчи" мақомига эга. Мис ишлаб чиқариш жараёнида сифат тизими менежменти жорий этилиб,

унга Халқаро мувофиқлик сертификати олинган. Ушбу мувофиқлик сертификати комбинатнинг Жиззахдаги семент ишлаб чиқариш жараёнига ҳам берилган. Хозирда Комбинатнинг Тошкент, Наманган, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган 38 та таркибий бўлинмада 45 мингга яқин киши меҳнат қилмоқда. Комбинат бошқарувида “кадрлар менежменти” ҳамда “инсон ресурсларини бошқариш (HR) имлари йўлга қўйилган.

Комбинатда инвестициявий дастурлар ҳам самарали амалга ошириш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурини тасдиқлаш ва инвестиция лойиҳаларини бошқариш бўйича янги ёндашув ва механизмларни жорий этиш тўғрисида" ги 30.12.2021 йилдаги ПҚ-72-сон қарорига биноан "Олмалиқ КМК" АЖ бўйича умумий қиймати 5158,8 млн. доллар бўлган 3 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Албатта бундай улкан лойиҳаларни амалга оширишда корхона томонидан қўлланиладиган бошқарув усулларининг ўрни катта. Хозирда корхоналар амалиётида стратегик бошқаришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Шу жумладан ОКМКда ҳам. Бу комбинатнинг ваколатини кенгайтириш ҳамда ўзларининг иқтисодий аҳволи учун жавобгарликлари даражасининг ошганлиги билан боғлиқдир. Замонавий бошқаришнинг сифати корхона самарадорлигини белгилаб беради. Шу боис комбинатда энг замонавий техника ва технологияларни жалб этиш бугунги кундаги устувор вазифалардан бири саналади.

Комбинатда стратегик бошқарувни амалга ошириш бўйича Стратегик ривожлантириш ва трансформация бошқармаси ташлик этилган бўлиб, Бошқарма фаолиятига бошқарув раисининг иқтисодиёт, молия ва трансформация жараёнлари бўйича ўринбосари раҳбарлик қилади ва ўз ваколати доирасида Бошқарув раисига бўйсинади. Бошқарма иккита йўналишда иш олиб боради. Биринчиси, Тоғ металлургия Комбинатини стратегик ривожлантириш ва Иккинчи йўналиш Комбинатни модернизация қилиш ва истикболда кўзланган мақсадга эришишга оид стратегик вазифаларни амалга ошириш.

Комбинатда ҳар иккала йўналиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бошқарма томонидан ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган. Ушбу стратегия доирасида "Ёшлик I" конини ўзлаштириш бўйича амалга ошириш бўйича мақсад ва вазифалар белгиланган. Стратегияда Комбинат фаолиятига илм–фан ютуқлари ва замонавий технологияларни жорий этиш алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, янги конларни ўзлаштириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини доимий равишда ошириб боришга қаратилган вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги қарорига мувофиқ белгиланган бўлиб, комбинатда Ёшлик-1 конини ўзлаштириш бўйича қиймати 15 миллиард долларлик мегалойиҳани изчил амалга ошириш ишлари стратегик вазифа сифатида белгиланган. Стратегиядаги яна бир муҳим йўналиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олмалиқ КМК" АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида"ги 2020 йил 26 майдаги ПҚ-4731-сон қарорида белгиланган вазифалар ижроси билан уйғунлаштирилган. Унга кўра янги металлургия комплексини барпо этиш орқали мис ва олтин ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар ошириш мақсад қилиб белгиланган. Мазкур лойиҳа уч босқичда амалга оширилади.

Комбинатни халқаро мезонлар асосида трансформация қилиш, замонавий корпоратив бошқарувни жорий этиш мақсадида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 март куни давлат мулкани хусусийлаштириш ишлари ижроси ва бу борада жорий йилги режалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда берган топшириқларига мувофиқ) ОКМКнинг 2 фоиз акциясини "IPO"(Initial Public Offering) орқали аҳолига сотиш таклиф этилган. Комбинатни халқаро мезонлар асосида трансформация қилиш ҳамда замонавий корпоратив бошқарувини жорий этиш бўйича "IPO" дасталбки қўйилган қадам деса бўлади.

Комбинатда "Рақамли Ўзбекистон — 2030" миллий стратегияси доирасида "Рақамли ОКМК — 2030" ривожлантириш концепсияси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда: — ягона ахборот маконини яратиш; — барча тузилмаларни горизонтал ва вертикал автоматлаштирилган ахборот алмашуви тизими билан боғлаш; — ҳисоботларни автоматлашган тарзда шакллантириш ва тақдим қилиш; — бошқарувда электрон назорат ҳамда мониторинг тизимини жорий этиш; — ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришни автоматлаштириш ва бошқа вазифалар амалга оширилади.

ОКМКда стратегик бошқарувни амалга ошириш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилган.

Хусусан:

–Комбинатда Стратегик ривожлантириш ва трансформация бошқармаси ташлик этилган;

–ўрта ва узоқ муддатга қаратилган мақсад ва вазифалар аниқланган;

–Комбинат фаолиятига илм–фан ютуқлари ва замонавий технологияларни жорий этиш бўйича мақсад ва вазифалар аниқланган;

–Янги металлургия комплексини барпо этиш орқали мис ва олтин ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар ошириш уч босқичда амалга ошириш узоқ муддатли стратегик вазифа сифатида белгиланган;

–Комбинатни халқаро мезонлар асосида трансформация қилиш ҳамда замонавий корпоратив бошқарувни жорий этиш борасида вазифалар аниқланган;

–"Рақамли ОКМК — 2030" ривожлантириш концепсияси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Юқоридагилар билан биргаликда, ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, Комбинат фаолиятини стратегик бошқариш борасида қўйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш ўринли бўлади:

-Комбинатда стратегик бошқарув(менежмент)га оид концепция ишлаб чиқилиши, шунингдек, аниқланган стратегик мақсад ва вазифалар ягона стратегия кўринишида қабул қилиниши стратегияни амалга ошириш

механизмларини жорий этиш ҳамда мониторинг тизимини тўғри йўлга қўйишга хизмат қилган бўларди.

- Компанияда эскирган технологиялардан фойдаланиш натижасида юқори ишлаб чиқариш харажатлари ва атроф-мухит муаммолари сақланиб қолмоқда. Бў эса Комбинатда технологик янгиланишнинг узок муддатларга мўлжалланган мақсад ва вазифаларини аниқ қилиб белгилаб олишни тақозо қилади.

-Комбинатда ресурсларни мувозанатли тақсимлашнинг ўрта ва узок муддатли прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш харажатларни тўғри тақсимлаш, ресурсларнинг ортиқча ёки етишмаслик ҳолатларининг олдини олишга ва пировардида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва молиявий кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатади.

-Тоғ-кон металлургия корхонаси рақобатбардошлигини сақлаб қолиши учун инновацияларни рағбатлантириши, янги технологияларни ишлаб чиқиши ва ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш йўллари излаши керак бўлади. ОКМКнинг стратегик бошқарувидаги долзарб масалалардан бири – бу стратегик мақсад ва вазифаларда инновацияларга етарли даражада эътибор қаратишдан иборат. Инновацион бўлмаган стратегия рақобатчилардан ортда қолишга ва бозор улушини йўқотишга олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев Менежмент дарслик, Тошкент “Ўқитувчи” 2001 й
Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Биринчи жилд. Тошкент, 2000 й
<https://www.aqmk.uz> сайти, ОКМК АЖ йиллик ҳисоботидан олинган.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ МЕХАНИЗМ УПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ АКТИВНОСТЬЮ В РЕГИОНЕ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

Ж.К.Юсупова, докторант

Каракалпакского государственного университета

В условия х глобализаций экономики развитые страны переходят к формированию новой технологической базы экономических систем, и следует ожидать новой волны изменений в широко используемых технологиях, поэтому в социально-экономическом развитии резко усиливается роль инноваций при обесценивании многих традиционных факторов роста.

Переход к инновационному типу экономического роста связан с формированием нового механизма социального развития. Одно из внутренних противоречий сложившейся модели роста в том, что значительный рост доходов и благосостояния населения во многом до сих пор опирался на присвоение природной ренты. Снятие этого противоречия требует формирования новых механизмов социального развития, сбалансированных с ресурсными возможностями экономики и ее инновационной эффективностью. Инновационный тип развития экономики требует создания максимально благоприятных условий для предпринимательской инициативы, повышения конкурентоспособности и инвестиционной привлекательности частных